



O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 18 » dekabr

№ 762

Toshkent sh.

ХДФУ

___ нусха

“Uzbekistan Airways” АЖ учун битта Pilatus PC-24 самолётини харид қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасида ишбилармонлик авиациясини ривожлантириш, хусусий парвозларга бўлган мавжуд эҳтиёжни қондириш ва “Uzbekistan Airways” АЖ даромадларини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

“Uzbekistan Airways” АЖ ва “Nesterov Aviation Ltd” компанияси (Кипр) ўртасида тижоратда фойдаланиш учун 2021 йилда етказиб бериш шарти билан битта Pilatus PC-24 самолётини (кейинги ўринларда – самолёт) **11,25 млн АҚШ доллари** қийматида харид қилиш тўғрисида шартнома тузилгани;

самолётни банд қилиш учун “Uzbekistan Airways” АЖ ва “Nesterov Aviation Ltd” компанияси ўртасида 2021 йил 8 ноябрда тузилган дастлабки келишув асосида **500 минг АҚШ доллари** миқдорида депозит (аванс) тўловини амалга ошириш зарурлиги;

самолётни харид қилиш учун “Ўзмиллийбанк” АЖнинг **10,75 млн АҚШ доллари** миқдордаги кредитини жалб қилиш юзасидан келишувга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

а) самолётни харид қилишни молиялаштириш:

“Uzbekistan Airways” АЖнинг **500 минг АҚШ доллари** миқдордаги ўз маблағлари;

“Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан кредит миқдорининг 125 фоизидан кам бўлмаган ликвид таъминоти остида 7 йил муддатга бериладиган фоиз ставкаси йилига 5 фоиз бўлган **10,75 млн АҚШ доллари** миқдордаги кредит ҳисобидан амалга оширилади;

б) “Uzbekistan Airways” АЖ – қарз олувчи, кредитлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун жавобгар орган ҳисобланади;

в) “Ўзмилийбанк” АЖ томонидан ажратилган кредит, фоизларни тўлаш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар “Uzbekistan Airways” АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. “Uzbekistan Airways” АЖнинг “Ўзмилийбанк” АЖ олдидаги кредит мажбуриятлари бўйича самолётнинг кредит таъминоти сифатида тақдим этилишига рухсат берилсин.

4. **Pilatus PC-24 самолётини харид қилиш учун жалб қилинадиган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш прогноз жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

5. “Uzbekistan Airways” АЖга, истисно тариқасида, самолётни харид қилиш лойиҳасини бир босқичли тартибда, лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиққан ҳолда амалга оширишга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги “Uzbekistan Airways” АЖнинг самолётни харид қилиш бўйича шартномасини “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКда комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

7. “Uzbekistan Airways” АЖ **2022 йил 1 апрелга қадар** самолётни харид қилиш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини белгиланган тартибда ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилишини таъминлансин.

8. “Ўзмилийбанк” АЖга самолёт харид қилиш лойиҳасининг техник-иқтисодий асоси тасдиқлангунга қадар **10,75 млн АҚШ доллари** миқдоридаги кредит маблағларини ажратишга рухсат берилсин.

9. “Ўзмилийбанк” АЖга “Uzbekistan Airways” АЖнинг **500 минг АҚШ доллари** миқдоридаги депозит (аванс) тўловини, истисно тариқасида, импорт шартнома тузмаган ҳолда дастлабки келишув асосида амалга оширишга рухсат берилсин ҳамда самолётни харид қилиш бўйича шартнома тузилгандан кейин мазкур тўлов ушбу шартнома бўйича аванс тўлови бўлиб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “18” декабрдаги 762-сон қарорига
илова

**Pilatus PC-24 самолётини харид қилиш учун жалб қилинадиган кредит
ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш
ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ**

- | | |
|-------------------|-------------------------|
| 1. Кредит миқдори | 10 750 минг АҚШ доллари |
| 2. Кредит муддати | 7 йил |
| 3. Фоиз ставкаси | 5 % |
- (йиллик)

минг АҚШ доллари

Йил	Ярим йиллик	Кредит тўлови	Давр сўнгидаги қолдиқ	Асосий қарз	Фоизлар	Жами тўлов
2021	II	10 750,0	10 750,0			
2022	I		9 982,14	767,86	144,83	912,68
	II		9 214,29	767,86	253,71	1 021,57
2023	I		8 446,43	767,86	232,92	1 000,77
	II		7 678,57	767,86	214,68	982,54
2024	I		6 910,71	767,86	195,16	963,02
	II		6 142,86	767,86	175,65	943,50
2025	I		5 375,00	767,86	155,28	923,13
	II		4 607,14	767,86	136,61	904,47
2026	I		3 839,29	767,86	116,46	884,32
	II		3 071,43	767,86	97,58	865,44
2027	I		2 303,57	767,86	77,64	845,50
	II		1 535,71	767,86	58,55	826,41
2028	I		767,86	767,86	39,03	806,89
	II		0,0	767,86	28,58	796,44
Жами		10 750,0		10 750,0	1 926,68	12 676,68